



Аморияга юриш

223-хижрий йил Рамазон ойининг 5-санасида (838 йил 31 июль) аббосийлар халифаси Мутасимнинг кўшини Византиянинг энг йирик шаҳри – Аморияга яқинлашди. Византия императори Феофилнинг жонажон шахрига юришни шахсан халифанинг ўзи бошкарди. Бу харбий кампания Запетра ва бошқа араб калъалари кўлга олинганидан кейин 100 минг кишилик Византия армияси томонидан 837 йилда содир этилган мусулмонлар киргинига жавобан амалга оширилди. Халифа Мутасим кўшинлари камал килинган диндошларига вақтида ёрдамга кела олмадилар, чунки уларнинг барча кучлари маздакий-хуррабийлар мазхабининг етакчиси, мусулмонларга карши оташпарастлик кўзголонига бошчилик килган Бабекга карши жанг килиш билан банд бўлган. Бабекнинг

иттифокчиси – Феофилнинг ёрдамга келишга уринишларига карамай, аббосийлар кўмондони Афшин Бабек ва унинг издошларини тоғлардан ағдариб, худосизни кўлга олиб, халифага етказишга муваффақ бўлди. Бабекни узил-кесил тинчлантиргандан сўнг Халифа Мутасим барча кучларини ўзининг золимлиги билан халифалик аҳолисини ларзага солган аввалги йилги киргиндан касос олиш учун Византия императорига қарши йўналтиришга қарор қилган эди.

Аморияга юриш тарихи

Араб солномаларида айтилишича, Бабек устидан қозонилган ғалабадан кейин Мутасим «Византия қалъаларининг қайси бири мустаҳкам ва энг яхши?» деб савол беради. Унга: «Амория. Ислоҳ пайдо бўлганидан бери у ерда хали биронта мусулмон бўлмаган; у насронийларнинг кўзлари ва негизидир; византиялик орасида у хатто Константинополдан ҳам кадрланади» деб жавоб беришади. Шунда Мутасим 838 йил апрел ойининг бошларида 80 минг кишилик кўшин билан ўз пойтахти Самаррадан юришга чиқади. Авангард бошида турк Ашнас Мухаммад ибн Мусъаба билан бўлган; ўнг қанотга турк Итах, чап қанотга эса – Жафар ал-Хаёт кўмондонлик қилган; марказдан Ужайф ибн Анбас ўрин олган. Византиялик император Феофил ҳам ўз кўшинлари билан Константинополдан чиқади. Араб кўшинлари кўп сонли эканлиги ҳақида хабар топғач, Феофил Аморияни мустаҳкамлаш ва уни тажрибали саркардаларга ишониб топширишга қарор қилади.

Византияга бир неча томондан бостириб кириш истагида бўлган Халиф Мутасим Афшин Хайдар ибн Каусни кўшиннинг бир қисми билан Серуж шахрига, Ашнасни эса – Сафсафуа шахрига жўнатади, ўзи эса бу пайтда Анкирага йўл олиб, уни забот этади ва Аморияга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлайди. Ашнас кўшини таркибида бўлган Амр ал-Фаргонийнинг отлик гуруҳи душманни асир олиб, улардан Феофил мана бир ойдан ортиқ вақтдан бери мусулмонлар ўтишини қутаётгани ва араблар қатта кўшини Серуж томонидан (бу Афшин кўшини эди) юнонлар ҳудудига киргани ҳақида хабар олиши билан Афшинга қарши чиққани ҳақида қимматли маълумотлар олди. Мутасим Византия императорининг ҳаракатлари ҳақида, биринчи навбатда, Афшиннинг ўзини хабардор этишга қарор қилди, бироқ мусулмон айғокчилари маълумотни етказишга улғурмади, чунки Афшин византияликлар ерига анча кириб кетганди.

Бир ойдан ортиқ вақт мобайнида мусулмонлар Афшин отрядининг тақдири ҳақида маълумотга эга бўлмадилар. Фақат июл охирида, Анкира кўлга олинганидан кейин Мутасим унга нима бўлганини билиб олди. Маълум бўлишича, Афшин билан Феофил жангида кўплаб анкирияликлар иштирок этган экан. Асирларнинг хабар беришича, Афшин кўмондонлигидаги мусулмонлар Никеяга чекинган император кўшинларини мағлубиятга учратганлар. Тез орада Афшиндан хабар келиб, у мўминлар амири ҳузурига йўл олаётгани хабар қилинди. Дарҳақиқат, эртаси кун Бабек ва Феофил голиби Анкирада халифа Мутасим билан бирлашди.

Византия армияси учун аянчли оқибатларга олиб келган Афшиннинг ғалабаси Феофилда қучли таассурот қолдирди. У руҳан чўқди. Ўтган йилги голибона

кампаниясини унутиб, император Мутасимга изохлар ва ваъдалар билан элчиларни юборди. Феофил Запетрани кўлга олишда унинг кўл остидагилари унинг буйругидан ташкари ҳаракат килганини маълум килди; у вайрон бўлган шаҳарни ўз маблағи билан қайта қуришга, нафакат Запетранинг асир олинган аҳолисини, балки асирликда қолган барча арабларни ва ҳатто патрицийларнинг айби билан шаҳарни босиб олишда бебошлик килган ўз одамларини ҳам халифага топширишга ваъда берди. Мутасим императорнинг илтимосларига эътибор бермади, элчилар устидан қулиб, византияликларга кўркокликлари учун танбех бергач, камалнинг гувоҳи бўлишлари учун Аморияни кўлга олишгача элчиларни ўзи билан бирга ушлаб турди.

Халифа ўз қучларини Аморияга қараб юргазди. Унинг қўшини уч устунга бўлинган: марказда Мутасимнинг ўзи бўлган; чап устунни Ашнас, ўнг устунни - Афшин бошқарган. Бу пайтда Амория ўзининг энг гуллаб яшнаган даврини бошидан кечириётган эди. Византияда келиб чиқиши Амориядан бўлган сулола ҳукмронлик қиларди. Олдинги император Михаил II ўз она шаҳрини Пессинунта, Синнада ва Антиохия провинциялари қисмлари унга бўйсундирилган метрополияга айлантирди. Бундан ташқари, Амория қучли қалъа бўлиб, деворларда қирк тўртта ҳарбий минора бор эди.

Орадан етти кун ўтиб, қўшин Аморияга етиб келди. Ашнас биринчи бўлиб келиб, шаҳардан икки чақирим нарига жойлашди; Мутасим унинг ортидан келди; учинчи қуни эса Афшин етиб келди. Мусулмон саркардаларининг ҳар бирига камал учун шаҳарнинг маълум бир қисми тайинланган: бир раҳбар иккитадан йигирматагача минорадан тўғри келган.

Абу Муслим таржимаси